Дарҳақиқат, тафсир уламоларидан бу оят ва унга таалуқли бўлган воқеа хусусида кўп гаплар бор. Лекин, биз буларнинг ҳаммаси устида тўхталиб ўтирмаймиз. Муҳими шуки, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўлимлари ҳақидаги бу хабардан одамлар икки тоифага бўлиндилар. Бири тўғри тоифа бўлса, иккинчиси адашган тоифадир. Бошқача қилиб айтганда, тўғри ва нотўғри тушунча эгаларига ажралдилар. Нотўғри тушунчага эга бўлганларни Аллоҳ мазаммат қилди. Негаки, улар Ислом пайғамбар алайҳиссаломга боғланган деб эътиқод қилган эдилар. Бу нотўғри тушунчага эга бўлган кишилар ҳам ўз навбатида икки қисмга бўлиндилар. Биринчи қисм, имтиҳоннинг кучлилиги сабабли қаттиқ руҳий тушқунликка тушиб қолган мусулмонлар эди, натижада эса улар ўлимдан қочишлик йўлини қидириб қолдилар. Энди иккинчи қисм эгаларига келсак, улар имтиҳон туфайли, ашадддий залолатга кетишган кишилардир. Яъни, улар қалбларида куфр ва шубҳаларни зоҳир қилган мунофиқлар эди. Натижада эса аввалги динимизга қайтамиз деб, туриб олдилар. Мана шу икки қисмга бўлинган нотўғри тушунча тоифасининг мисли ҳозирги мусулмонларнинг мислидир. Чунки, ҳозирда ҳам Афғонистондаги толибон ва улар билан бирга жиҳод қилаётган араб ва бошқа мужоҳидларнинг бошидан кечираётган имтиҳонларига, бугунги кундаги мусулмонларнинг муомаласи, худди Уҳудда бўлган мусулмонларнинг фикр-мулоҳазаларининг мисолига ўхшайди, балки унданда ёмонроқ. Негаки Уҳуд куни мусулмонлар қийинчилик-имтиҳонни хоссатан ўзларининг жасадлари билан қарши олдилар, яъни бўлган воқеа айнан жиҳод майдонида содир бўлган эди. Ҳозирда эса мусулмонлар жиҳод майдонидан минг километрлар узоқда туриб, Уҳуддаги мунофиқларнинг амалини қилмоқдалар. Яъни, уларнинг айримлари, **«агар толибон ҳақда бўлганда, улар мағлубиятга дучор бўлмаган бўлар эдилар. Шаҳар ва қишлоқларни тарқ этиб, тоғларда бошпана топмаган бўлар эдилар»**, дейишмоқда. Яна бошқа катта қисм мусулмонлар эса, **«Афғонистондаги араблар ўзларининг давлатларига қайтиб у ердаги ҳукумат билан келишиб, фаолиятларини тинч йўл билан давом эттиришлари керак»**, дейишмоқда. Таажубки, ҳозирги бу кўриниш, худди Уҳуд куни бир тоифа кишиларнинг Абдуллоҳ ибн Убай орқали Қурайш мушрикларига таслим бўлишни сўраганларига жуда ўхшайди. У куни пайғамбарнинг ўлимини эшитган бу тоифа, умуман Ислом ҳақида ёмон фикрга келишган эди. Мана бугун ҳам толибоннинг мағлубиятини кўриб, аксарият ўзини мусулмон сановчи кишилар, жиҳод ва мужоҳидларнинг, балки умуман Исломнинг бутунлай ерда ғалаба қозонишига мутлақо ишонмай қолганга ўхшайди. Тарих такрорланмоқда. Ҳар бир залолатдаги шахс ўзидан аввалги адашганлар йўлини давом эттиради. Энди, тўғри фикр, тўғри йўл тутган кишиларга келсак, улар ҳам ўзларидан аввал ўтган салафи-солиҳлар йўлидан кетишда давом этадилар. Хусусан бугун Аллоҳ йўлида жиҳод қилаётган кишилар Анас ибн Назр каби улуғ саҳобалар йўлидан кетмоқдалар. Уҳуд куни бу саҳоба ўтириб олган ансорларни кўриб: **«нима учун ўтирибсизлар?», деб сўради.** Улар эса: **чунки, Росууллоҳ ўлдилар.** Шунда у: **«у ҳолда сизларга яшашнинг нима маъноси қолди? Турингларда у зот каби жанг қилинглар!»** -деган эди. Ёки Абу Бакр айтган гапни эсланг: **«Бордию сизлар Мұхаммадга ибодат қилган бўлсангизлар, у ўлди. Агар Аллоҳга ибодат қилган бўлсангизлар, билингларки У тириқдир ва ҳеч қачон ўлмайди!»** Шунингдек, Али ибн аби

Жиҳоднинг ўзгармас қонун-қоидалари

Толибнинг айтган гапи: «**Агар росууллоҳ ўлган бўлса, мен унинг дини учун курашаман. Шу йўлда ўламан ёки ўлдириламан!**»

Мана шу кишилар ва бошқалар тўғри йўлда турган зотлар эди. Улар бир нарсани аниқ билишар эди, яъни бу дин ҳеч кимга боғланиб қолмаган, ҳатто у улул азм пайғамбар бўлса ҳам. Аллоҳ таъоло Оли Имрон сурасида шундай дейди:

(Эй мўъминлар), (куфрга қарши курашда) сустлашмангиз ва ғамгин ҳам бўлмангиз. Агар (ҳақиқий) иймон эгалари бўлсангизлар, сизлар устун булгувчиридисизлар. Оли Имрон-139.

Бу оят Уҳуддаги мағлубиятдан сўнг нозил бўлган эди. Аллоҳ бу билан мусулмонларни қалбига таскинлик соляпти. Фақат мўъмин бўлсангизлар ва заифлашиб, тушкунликка тушиб орқага қайтмасангизлар, шубҳасиз сизлар олийдирсизлар. Аллоҳга қасамки, мўъминларнинг жиҳоддаги мағлубияти ҳам уларнинг олийлигига ҳеч қанча путур етказа олмайди. Аксинча бу Аллоҳнинг комил ҳикматларидан бўлиб, шу сабабли сафлар тозаланади. Негаки, оқибат хос муттақинларники бўлади. Шунингдек Аллоҳ таъоло мўъмин бандаларига тарбия берib қўйидаги оятда шундай дейди:

(Эй мўъминлар), агар сизларга (Уҳудда душман томонидан) бир мусибат етса, - ҳолбуки, сизлар (кофирларга Бадр жангидан) унга икки баробар мусибат етказган эдингиз – «Бу бало қайдан келди?», дейсизларми?! (Эй Муҳаммад алайҳис-салом), уларга: «Бу (мусибат – мағлубият) ўз қилмишларингиздан», деб айтинг! Албатта Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир! Оли Имрон-165.

Мўъминлар бошларига мусибат етганда бу каби оятларни тиловат қилиб, ўрганишлари, ҳамда ўз-ўзларини тўғрилаб олишлари лозим. Қўйидаги оятга эса ғалаба билан ризқланган вақтларида мурожаат қилишлари керак бўлади ва Аллоҳга жуда кўп шукроналар айтишлари вожибdir:

Ва сизлар ерда озчилик ва заиф-бечора бўлган ҳолларингизда, одамлар сизларни ушлаб кетишларидан қўрқиб турган пайтингизда (Аллоҳ) сизларга жой бериб, Ўз ёрдами билан қўллаб-қувватлаганини ва шукр қилишингиз учун покиза ризқлар билан баҳраманд қилганини эслангиз! Анфол-26.

Демак, биз бу оятларни мағлубият ё ғалаба келган вақтларда ўқиймиз, ва унга амал қиласиз. Дарҳақиқат, ҳар қандай ғалаба ёки мағлубият, ёлғиз Аллоҳ томонидан келадиган икки немаътдир. Аллоҳ Анфол сурасида шундай дейди:

Бас, (эй мусулмонлар), уларни сизлар ўлдирмадингиз, балки Аллоҳ ўлдириди. (Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларнинг юзига қўлингиздаги бир сиқим тупроқни) отган пайтингизда, сиз отмадингиз, балки Аллоҳ отди. Ва (бу ғалабани Аллоҳ) Ўз томонидан мўъминларга чиройли инъом бўлсин, деб қилди. Албатта Аллоҳ Эшитгувчи, Билгувчиридир. Анфол-17.

Ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳис-салом Бадр жангида қўлларига бир сиқим тупроқ олиб душман тарафга отганларида, кўзига ғубор кирмаган бирон мушрик қолмаган экан. Аниқки, ғалаба фақат Аллоҳ томонидандир. Китоб ва суннатда ғалаба фақат Аллоҳга нисбат қилинган, мўъминларга эмас. Муаллиф сўзида давом этиб айтадики, бизнинг, яъни мўъминларнинг асосий ва ягона вазифамиз Аллоҳнинг буйруғига итоат қилишиликдан иборат бўлади. Ғалаба ё мағлубиятдан қатъий назар. Биз ҳеч қандай ноўрин тафсилотларга берилмай, ўзимизга буюрилган нарсага эргашишлигимиз вожибdir. Натижа қандай бўлишилиги Аллоҳнинг илмида қолади. У Зот Ўз комил илми ва ҳикмати билан бизлар учун нима кераклигини яхши билади.

Шунингдек, билишимиз лозим бўлган ўзгармас қоидалардан бири шуки, биз хато-камчилик, ёки қандайдир яхшиликни, бажарган амалиётларимизнинг натижасидан қидирмаймиз. Балки, бу қилинаётган амаллар Китоб ва Суннатга мувофиқ келдими ёки йўқми, айнан шу икки аслдан қидирамиз. Масалан, одамларни Исломга чақирувчи даъватчининг нимасига эътиборни қаратишимиш лозим? Бу ишнинг натижасигами, ёки қилинган ишнинг феъл ва сифатигами? Албатта қилинган ишнинг феълига, унинг кўринишиига. Агар қилинган даъват Китоб ва Суннат асосида амалга ошган бўлса, бу иш тўғридир, гарчи даъват сабаблик ҳеч ким Исломни қабул қилмаган бўлса ҳам. Маълумки, қиёмат куни баъзи пайғамбарлар бир ўзи келади, яъни уларнинг даъватларига ҳеч ким жавоб бермаган бўлади. Дунёдаги бирор бир киши пайғамбарлар ўзларига топширилган рисолатни ноқис қилганлар, деб айтмайди. Демак, натижа –бу Аллоҳнинг қўлида бўлган нарса. Шунинг учун натижага суяниб иш қилишилик, ёки натижага асосланниб бирорни айблаш ёки мақтاش хатодан бошқа нарса эмас. Натижанинг ўзигагина асосланган ҳолда дин амалларини бажариш ёки уни режалаштириш, бу ҳозирдаги ғарб ва бошқа кофир халқларнинг эътиқодидир. Кўриб турганимиздек мусулмонларнинг аксарияти кофирларга барча нарсада таклид қилгани каби, бу ишда ҳам уларга изма-из эргашиб кетишиди. Агар кимда-ким айтсанки, бугунги жиҳод ибодатининг натижаси ёмонлик билан тугалланади, шунинг учун биз бу ишни қилмаймиз, -деб айтса.

Демак, бундай кимсалар Уҳуд куни пайғамбар алайҳиссаломнинг олиб борган маъракаларини хато, деб таъкидлаётган кишиларга ўхшайди. Негаки, Уҳуд мусулмонларнинг мағлубияти билан якунланди, ҳатто уларнинг бошида Пайғамбар алайҳиссалом турган бўлсалар ҳам. Шубҳасиз, бу гапни гапирган киши Исломдан чиқиби. Уҳуд куни мағлубият бўлган бўлса-да, шубҳасиз мусулмонлар бу урушга чиқишлиги тўғри бўлган. Чунки улар ўзларига буюрилган нарсага эргашибди холос. Бу ҳақ тарихий воқеа уммат учун ибрат ва ҳақ илмидир. Демак, ғалаба ё мағлубият бўлишидан қатъий назар Аллоҳнинг буйруғи сўzsиз амалга оширилиши вожибdir. Ва бу ишда натижа биз учун иккинчи даражали нарса бўлиб колади. Бизнинг вазифамиз жиҳод қилиш, шундан кейин Аллоҳ хоҳласа ғалаба беради ёки йўқ. Ҳа, албатта бу иш мўъминлар учун катта имтиҳон бўлиб, унда ҳақ билан ботилнинг, мўъмин билан мунофиқнинг ажralиши нуқтаси бор. Қуръонда Аллоҳ мунофиқларнинг сифатини очиб берар экан, уларнинг ҳар бир ишда натижага суянишлари ҳақида баён қилган. Агар, жиҳод салтанат, мол-дунё, обрў-эътибор ва шу каби дунё матоларини берса, улар мусулмонларга бу ишда эргашишганлар. Бордию, жиҳод сабаблик қонлар тўкилса,

Жиҳоднинг ўзгармас қонун-қоидалари

мағлубият келса, мол-дунёдан ва бошқа зийнатлардан маҳрум бўлишилик яқин кўринса, улар турли баҳоналар топиб жиҳоддан кочгандар. Сўзимизни давом эттириб, шу ўринда Абу Бакр (розиаллоҳу анҳу)нинг илк халифалик масъулиятига ўтирган кунларида бўлиб ўтган воқеага мурожаат қиласиз. Пайғамбар алайҳиссалом ўлимларидан сал аввал Румликларга қарши 3000 кишидан иборат қўшин юбориш режасини тузган эдилар. Ва бу қўшинга Усома ибн Зайдни бошлик қилиб тайёрлаб унга қўйидаги сўзларни айтдилар: **«Отанг шаҳид бўлган ер томон йўл ол».** (Маълумки унинг отаси Зайд ибн Ҳориса Мўъта ғазотида румликларга қарши жанг қилиб шаҳид бўлган эди.) Аммо, Пайғамбар алайҳиссалом бу қўшинни жўнатмай туриб дунёдан кўз юмиб кетдилар. Сўнг Абу Бакр халифа бўлди ва кўплаб араблар пайғамбар алайҳиссалом ўлимидан сўнг диндан қайтиб муртад бўлиб кетишиди. Худди, ҳозирда ҳам Исломнинг вақтинчалик мағлубиятидан таъсирангандан кўпчилик мусулмонлар диндан қайтиб муртад бўлаётгани каби. Шунда баъзи саҳобалар, Усоманинг лашкарини румга эмас, балки муртад арабларга қарши тайёрлаш керак, деган фикр билан Абу Бакр ҳузурига келишиди. Ҳатто лашкар қўмондони Усома ибн Зайд ҳам шу фикрда эди. У ҳозирги оғир вазиятда Халифа ва Мадинани ташлаб кетолмаймиз, деган хуносага келди. Бундай гапларга Абу Бакрнинг жавоби қандай бўлди? У киши айтди:

«Агарда оч итлар Мадинага келиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг хотинларини судраб олиб кетса ҳам, Мадинада биронта мусулмон қолмаса ҳам, мен бари бир бу қўшинни ғазотга жўнатаман. Чунки, бу Пайғамбар алайҳиссаломнинг буйруғидир».

Эътибор берсак агар, Абу Бакрга бу урушнинг натижаси нима билан тугалланишининг қизиги йўқ эди. У фақат Аллоҳ ва Унинг росули томонидан ўзига буюрилган нарсага эргашяпти холос. Бу эса одамларнинг ўлчов-тақсимотлари-ю, фикр-мулоҳаза ва тафсилотларига зиддир. Худди ҳозирда ҳам кўпчилик Аллоҳнинг мухкам оятлари, яъни буйруқ ва қайтариқларини, «бу фойда, бу эса зарар», деб ўзлари ясад олган тарозида тортаётганига ўхшаганидек. Айтингчи, Аллоҳ йўлидаги жиҳоднинг бошланиши-ю охири, инсонлар тушунчасида зарар эмасми? Мужоҳид моли ва жонини хатарга қўйиб, туғилиб ўстган ери ва барча яқинларини ташлаб кетади. Ва охир оқибат буларнинг барчасидан маҳрум бўлади. Яна билишимиз керак бўлган нарса шуки, Абу Бакрнинг бу қўшин хусусида тутган йўли ижтиҳоддан ўзга нарса эмас эди. Қолган саҳобаларнинг ҳам бу масъалада тутган йўллари фақат ижтиҳод бўлди. Чунки, ҳар иккала тараф жиҳод ҳукмининг асосидан заррача ҳам ташқарига чиқмаганлар, бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Бу масъалада Абу Бакр узоқдаги жиҳодни ихтиёр қилди, бунга сабаб Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳукми эди. Колган саҳобалар эса яқинда турган, муртадларга қарши курашни тўғри деб билдилар.

Кўриб турганимиздек – бу иккала ижтиҳод ҳам тўғри эди. Лекин, ҳозирда жиҳоднинг ўзгармас ҳукмидан бош тортаётгандар, уни тарк қилаётгандар-чи, ёки фарз айн жиҳоддан мусулмонларни тўсаётган “олим”ларчи, улар аниқ жар ёқасида эмасмилар? Улар Аллоҳ ва Унинг расулининг ҳукмига қарши чиқиб, ҳамда салафи солиҳлар ижмоъсига зид иш қилмоқдалар. Ачинарлиси шуки, улар бу ишларини мусулмонларга зарар ва фойдадан келиб чиқсан «ижтиҳод», деб таништирмоқдалар. Абу Бакр ўзининг даврида: **«Мен эргашувчиман, янги бир ҳукм чиқарувчи**

эмас», деган эди. Демак, биз ҳам шариатнинг ҳукмига таслим бўлиб, эргашишликка маъмурмиз. «Ҳозир жиҳоднинг вақти эмас», деб айтаётган кишилар Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб, бошқа ҳукмни тасдиқ қилаётган кишиларга яқиндирлар. Аллоҳга қасамки, биз Аллоҳнинг буйруғига итоат этиб, бугунги фарз айн жиҳодга чиқишимиз керак, гарчи ер юзида бирорта мусулмон қолмаса ҳам. Аввал таъкидлаганимиздек натижа Аллоҳнинг қўлида бўлган нарсадир. Албатта, бу билан биз мўъминларга натижанинг мутлақо аҳамияти йўқ, демоқчи ҳам эмасмиз. Фақат натижа биз кўзлаган ва қидирган асосий нарса эмас демоқчимиз холос. Модомики, Аллоҳ йўлидаги жиҳод тўғри эътиқод ва амаллар асосида олиб борилар экан, Аллоҳ раҳматан мўъмин бандаларини яхши натижа билан икром этади. Ва шу ўринда Аллоҳ ва Унинг расулига эргашган росууллоҳнинг халифаси Абу Бакр жўнатган қўшиннинг натижаси нима билан тугаганига назар ташлаймиз. Усома ибн Зайд бошчилигидаги қўшин Мадинадан чиқиб араб ерларини қолдириб, рум ерлари томон йўл олди. Йўлда эса муртад бўлган ва ҳануз Исломни қабул килмаган араблар бу қўшинни кузатар эдилар. Шунда улар айтиши: **«Модомики, бу мусулмонлар шундай қийин бир ҳолатда, румликларга қарши урушга чиқсан эканлар, демак уларнинг Мадинада сонсаноқсиз лашкарлари бор экан»**, деб Мадинаға ҳужум қилишдан қайтиши. Румликларчи? Ҳирақил Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўлимидан хабар топгач тезда жуда катта қўшин тўплади. Энди қачонки у мусулмонларнинг қўшини рум ерларига кириб келганидан хабар топгач шундай деди: **«Бу кишилар узининг раҳбаридан айрилгандан сўнг ҳам жанг қилишга журъят этган эканлар, демак буларнинг катта кучлари бўлса керак»**, деб у ҳам мусулмонлар билан урушишдан бош тортди. Усоманинг қўшини рум ерларига кирди, аммо румликларнинг бирортаси ҳам уларга қаршилик кўрсатмади. Натижада мусулмонлар катта ўлжаларни қўлга киритиб Мадинаға қайтиб келдилар.

Аллоҳ таъоло шундай дейди:

Ким Аллоҳдан қўрқса, У Зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) чиқар йўлни (пайдо) қилур. Талоқ-2.

Демак, ким Аллоҳдан қўрқиб Унинг буйруғига итоат қилса, энг муҳими буюрилган амалнинг натижаси-фойдасига эмас, балки буюрувчининг Буюклик ва Азизлигига қараса, Аллоҳ бундай кимсага, маҳлуқлар ақлига сифдира олмайдиган нусратини юборади. Аммо, кимда-ким амалларнинг натижа ва фойдаси орқасидан юурса, бундай кимсаларнинг оқибати куфр ё камида қаттиқ умидсизлик билан тугайди. Афсуски, бу залолат, бугунги аксарият мусулмонлар ушлаган йўлдир. Эндиликда, қўпгина даъватчиларнинг ҳаёси ҳам қолмади. Улар куннинг аввалида одамларни бир йўлга бошласа, кечга бориб эса, шу йўлнинг тескарисига чақиришади. Яъни, қаерда мусулмонларнинг ғалаба қилаётганини кўрсалар, дарҳол ўзларини бу ғолиб тоифа билан бирга эканликларини билдириб, қолганларни ҳам шу тоифага қўшилишга чақирадилар. Қачонки энди, Аллоҳ бу ҳақ тоифани мағлубият билан имтиҳон қилса, бу даъват кишилари ўзларини бундай мағлубият аҳлидан пок эканлигини билдириб, қолганларни ҳам улардан тўсадилар. Ҳамда **«Биз сизларни огохлантирган эдик-ку, ишни олдини вақтида олиб колибмиз-а, қанча мусулмонларни жонини саклаб қолдик»**, деган нифоқ сўзлар билан минбарларга кўтариладилар.

Жиҳоднинг ўзгармас қонун-қоидалари

(Эй Мұхаммад алайҳис-салом), агар сизга бирон яхшилик (ғалаба ёки ўлжак) етса, бу уларни хафа қилур. Агар сизга (Уҳуд жангига бўлганидек) бирон мусибат етса, ишнинг (олдини) олибмиз», - дейишиб, хурсанд бўлган ҳолларида юз ўгириб кетурлар. Тавба-50.

Яқин тарихни ёдга оладиган бўлсак. Афғонистонни руслар босиб олган вақтда, дунёning деярлик барча олимлари-ю, даъватчилари русларга қарши мусулмонларни жиҳодга кўтаришган эди. Шунингдек, бой мусулмонларни ҳам жиҳодга молларидан чиқаришларини талаб қилган эдилар. Ҳатто бу даъват-чақириқ давлат миқёсигача кўтарилиб кетган эди. Қачонки энди, Америка Афғон мусулмонларига қарши уруш очиб, бугунга келиб бу заминни босиб олган бир пайтда эса, қарангки, ҳамма нарса ўзгача кўринишда тус ола бошлади. Айнан шу олиму даъватчилар нафақат мужоҳидларга балки, умуман жиҳодга қарши гапира бошлашди. Жиҳодни терроризм деб, мужоҳидларни эса террорист деб айблашга ўтдилар. Савол қилсангиз агар, бу икки коғирнинг ўртасида қандай фарқ бор экан ўзи? Энди агар улар ҳақиқатни беркитсалар, у ҳолда бу саволга ўзимиз жавоб бера қоламиз. Бунинг сабаби бир нечта бўлиши мумкин, асосийи шуки, бугунги урушнинг бошида Америка турибди. Маълумки, барча араб ва бошқа мусулмонлар яшовчи давлатлар Америка ва ғарб давлатларига қарам бўлганига мана асрлар бўляпти. Бу давлатларнинг волийлари эса Американинг қули ва яқин ёрдамчисидир. Бушнинг шундай гапи бор: **«Американинг одил маҳкамаси ҳар қандай террорчи ва унга ёрдам қилган шахсни дунёning қайси бурчагида бўлмасин ушлаб, унинг жазосини беришга қодир»**. Коғирнинг бу ҳайқириғи ва муртад волийларнинг таъқиб-талаблари бу олим ва даъватчиларни қаттиқ қўрқитиб юборди. Натижада, улар жиҳод ва мужоҳидларга қарши гапиришни бошладилар. Бу ҳақиқий мунофиқларнинг сифати ва услубидир. Яъни енгиллик пайтда айтган гапи ва амали бошқа бир кўринишда бўлса, оғир кунлар келганда эса аввал айтган гапи ва амалига зид ишларни қилишилик. Аллоҳнинг бу каби шахсларни шундай аянчли ҳолатга солишининг яна бир бошқа сабаби шуки, У Буюк Зот Афғон жиҳоди сабабли ҳақиқий мужоҳидларнинг сафларини нопок нарсалардан тозалади. Маълумки, мунофиқлар мусулмонларнинг мағлубиятидан хурсанд бўладилар, доим улар учун ёмонликни хоҳлайдилар.

Шубҳасиз, ораларингизда (жангга чиқишидан) орқада қоладиган, агар сизларга бирон мусибат етса, «менга Аллоҳнинг инъоми бўлди – улар билан бирга (жангга) ҳозир бўлмадим, (акс ҳолда ҳалок бўлур эдим)» дейдиган кимсалар ҳам бор. Ниса-72.

Улар (яъни мунофиқлар) сизларга кўз тикиб турадилар. Агар сизларга Аллоҳ томонидан фатҳу зафар бўлса (ғазотдан ғалаба ва ўлжалар билан қайтсангизлар): «Биз ҳам сизлар билан бирга эмасмидик?» дейдилар. Агар (ғалаба) коғирларга насиб бўлса: «Биз сизларнинг устингизда туриб, сизларни мўъминлардан ҳимоя қилган эмасмидик?» дейишади. Энди Қиёмат Кунида Аллоҳ ўрталарингда ҳакамлик қилур ва Аллоҳ ҳаргиз коғирлар учун мўъминлар устига йўл бермагай. Ниса-141.

Бу оятлар худди Афғон урушидаги русларнинг аввалги босқинчилиги, ҳамда Американинг кейинги босқинчилиги хусусида айтилаётгандек. Албатта, бу Аллоҳнинг

қонуни бўлиб, қачон Исломнинг ҳимояси масъаласи кўндаланг қўйилганда мунофиқлар ўзларидан аввал ўтган асосчиларининг суннатига эргашадилар. Ҳақиқатда, бу жиҳод ибодати қийин унинг манзили эса узундир. Бу ибодат комил инсонлар қўли билан ўзининг чўққисига етади. Арабларнинг бир гапи бор: «Бу узун ва қийин йўлда ҳатто туяларнинг бўйни синади». Ҳа, бу сафар яқин эмас, балки биз билан ғалабанинг ораси жуда узоқдир. Шунингдек, бу ибодатни унинг йўлидаги имтиҳон ва фитналарга, қийинчилик ва озорларага бардош бера оладиган кишиларгина бажара оладилар. Бас, буюк ибодат саналмиш жиҳод йўлидаги тўсиқларни ошиб ўтишга тайёр бўлинг. Бугунги жиҳод, ё ўлим, ё асир тушишлик, ё узоқ муддатлик ҳижратдан ўзга нарса эмас. Бошқача қилиб айтганда, бу ғалаба дунёни алмашиш эвазига қўлга киритилади. Дарҳақиқат, Тавба сураси мўъмин ва мунофиқларнинг асл қиёфасини очиб ташлаган. Шунинг учун бу сурани ўқиб ўрганишларингизни насиҳат қиласман. Юқорида айтганимиздек, жиҳодни бирор бир шахс ёки қандайдир сифат эгаларига боғлаб қўйиш, –бу аниқ мағлубиятдир. Гарчи бу моддий мағлубият бўлмасада, шубҳасиз маънавий мағлубиятдир. Биз жиҳодни хос кишиларга боғланиб қолишидан холос этишимиз зарур. Албатта, бизга тақво ва сабр сифатига эга бўлган тарбиятли раҳбарлар керак. Аммо, бундай шахсларнинг орамиздан кўтарилиши, ҳаргиз мусулмонлар билан жиҳоднинг орасини узоқлаштириб қўймаслиги лозим. Такрор айтамизки, биз жиҳоднинг қоим бўлиб туришини бирор бир шахсга боғлаб қўймаслигимиз керак. Умар ибн Хаттобнинг Холид ибн Валидни қўмондонликдан озод қилишининг асосий сабаби ҳам шу бўлган эди. Чunksi, одамлар жиҳоддаги ғалабани Холидга боғлаб қўйишган эди. Шуни яхши билишимиз керакки, аслида ҳақиқий амирларни, айнан мана шу жиҳод майдонлари тарбиялаб беради. Жиҳод бир амирни охиратга кузатса, унинг ўрнига албатта бошқасини дунёга келтиради. Пайғамбар алайҳиссаломдан сўнг Аллоҳнинг шундай шерлари-ю қиличлари дунёга келган эдики, ҳатто одамлар бу кишилардан яхшиси энди бўлмаса керак деган гумонда қолган эдилар. Аммо, улардан сўнг яхшиларнинг кети узилмади. Ва бу суннат қиёматгача давом этади. Пайғамбар алайҳиссалом айтганларидек:

«Менинг умматим ёмғирга ухшайди, унинг аввали яхшими охирими билиб бўлмайди!»

Тарихда бу умматнинг аёллари шундай кишиларни дунёга келтирдики, улар билан қанча фахрланса ҳам кам. Абу Бакр, Умар, Али, Абу Убайда, Холид, Баро, Икрима, Микдод, Салоҳиддин, Кудус ва бошқалар. Бундай зотлар дунёдан кўз юмганда, бундан мўъминларнинг имони зиёда бўлади холос. Нима учун Ислом уммати жиҳод амирларига доим ташналик сезади, чunksi бу Аллоҳнинг шерлари ҳужумнинг аввалги чизиғида туриб, ўзлари учун муборак ўлимни қидирганлари боис. Бугунги кундаги жиҳод амирлари ҳам шаҳидлик ўлимига интилаётган кишилардир. Шунинг учун уларнинг ўлими жуда яқин ва уммат тез-тез шундай амирларга мұхтож бўлиб турибди. Шубҳасиз Аллоҳ уларнинг кетидан бошқа кишиларни чиқаришга қодир бўлган Зотдир. Ҳақиқатда эса, мўъминлар жиҳод амирларига эмас, балки жиҳоднинг Роббисига ибодат қиласман. Демак, хулоса қилиб айтамизки жиҳод ўзгармас қонун бўлиб, у бир шахс ёки гуруҳга боғланиб қолмаган Аллоҳ севадиган буюк ибодатдир.

وَصَلَى اللَّهُ عَلَى مُحَمَّدِ النَّبِيِّ الْأَمِيِّ، وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ وَسَلَّمَ.

Жиҳоднинг ўзгармас қонун-қоидалари

وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمين

بسم الله الرحمن الرحيم

إِنَّ الْحَمْدَ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ وَنَسْتَغْفِرُهُ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّ أَنفُسِنَا، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا، مِنْ
يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضْلُلٌ لَهُ، وَمِنْ يُضْلِلُ فَلَا هَادِيٌ لَهُ.

وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له، وأشهد أن محمداً عبده ورسوله، صلى الله عليه
وعلى آله وصحبه، وسلم تسليماً كثيراً.

وبعد:

Учинчи қоида. Жиҳод алоҳида бир маконга

боғланмаган.

Аввалги дарсларда биз жиҳоднинг Пайғамбар алайҳиссаломдан бошлаб то қиёмат кунига қадар давом этишини, ҳамда жиҳод маълум бир шахсга боғлиқ бўлмаган ибодат эканлиги хусусида баҳс юритган эдик. Дарсимизнинг бу қисмида эса жиҳоднинг қоим бўлиб туриши маълум бир алоҳида маконга боғлиқ эмаслиги хусусида гаплашамиз. Жиҳод ҳукмига зид бўлган яна бир ботил ақида шуки, унинг маълум макон-ерга боғлиқ дейишиликдадир. Яъни, бу ботил ақидага биноан жиҳод қилмоқчи бўлган ҳар қандай шахс, албатта қандайдир бир ерга боришлиги шарт бўлади. Жиҳодга нисбатан бундай ёндашиш эса, ўз навбатида унинг тўхтаб қолишига олиб келади. Дарҳақиқат, жиҳоднинг давом этиши қандайдир ҳудудга боғлиқ бўлмайди, ёки маълум бир ер-макон билан ҳам чегараланиб қолмайди. Мана, ҳозирда одамлар қўлида мавжуд бўлган дунё ҳариталарида ҳар қайси давлат ўз чегаралари билан кўрсатиб қўйилган. Кофирларнинг бу мусулмонлар ери, буниси эса бизнинг ерлар, деганига ўхшаган. Улар бизга қаерда Исломга амал қилсак бўлади-ю қаерда мумкин эмаслигини кўрсатиб қўйишаётганга ўхшаган.

Ҳақиқат эса шуки, жиҳод ҳеч қандай ҳудуд-чегарани тан олмайди. Мусулмонлар жиҳод ибодатига муҳтождирлар ва қачон улар бу ибодатни ёйиш керак деб билишса, ўша заҳотиёқ тўсиқ ёки чегарага эътибор бермай, уни атрофга етказадилар. Саҳобалар Исломни ер юзига шу тариқа ёйдилар. Мусулмонлар форс ерларига юриш қилганларида Рабиъ ибн Амир улар ҳузурига элчи бўлиб борди. Қачонки у форс қўмондони Рустум билан учрашганда у мажусий сўради: «**Нима сабабдан бизнинг ерларимиз келдинглар? Балким сизларга дунё керакдир, ё ҳудудларингизни кенгайтириш мақсадингиз бордир?**» Шунда Рабиъ ибн Амр: «**Бизни бу ерга Аллоҳ юборди. Махлуқларга ибодат қилаётганларни, Аллоҳга ибодат қилдириш учун келдик. Сизларни қутқаришлиқ учун келдик,**» деб жавоб қайтарди. Маълумки, жоҳилияят ҳаёти билан яшаётган кишилар жуда ҳам тор зулмат ичра яшайдилар. Уларнинг дунёқарashi ҳам, фикр-зикри ҳам ўзлари кўриб турган нарса билангина чегараланиб қолган бўлади. Мусулмон киши эса

қўлидаги Қуръон билан олийдир. У динини ўрганар экан, билмаган нарсалари кун сайин камайиб бораверади. Мана қўлимизда турган Қуръон Одам алайҳиссалом давридан то қиёматгача бўлган даврни, инсон ўлиб қабрдаги ҳаёт, ҳамда қайта тирилиш ва ундан кейин бўладига барча ҳодисаларни баён қилиб беради. Яъни, бу Китоб жуда катта давр ҳақида хабар беради. Мана мусулмон кишининг илм доираси. Аниқки, бу дин одамларни бир Ислом миллати бўлиб яшашга чақиради.

Аллоҳ таъоло Анбиё сурасида шундай дейди:

(Эй инсонлар), сизларнинг миллатингиз – Динингиз ҳақиқатда бир Диндир (яъни, Исломдир). Мен эса (барчаларингизнинг) Роббингиздирман. Бас, Менгагина ибодат қилинглар! Анбиё-92.

Дарҳақиқат, барча инсонлар бир миллат, демак уларнинг динлари ҳам бир бўлиши керак. Пайғамбар алайҳиссалом Мадина гелганларида яхудийлар Мұҳаррам ойининг 10-кунида рўза тутишар эди. Шунда у зот нима учун улар бу кунда рўза тутишларини сўрадилар: «**Аллоҳ шу куни Мусони Фиръавндан қутқарган**», деб жавоб беришди. Буни эшишиб Пайғамбар алайҳиссалом: «**Биз Мусога улардан кўра ҳақлироқмиз**», деб айтдилар. Кўриб турганингиздек, барча Пайғамбарлар ва уларга эргашган халқлар битта Ислом уммати бўлган.

Муаллиф китобининг давомида Рабиъ ибн Амрнинг мурожатига қайтади. У Рустумга: «**Сизлар зулм ва адолатсизликда яшайсизлар, Ислом эса одамларга адолат олиб келади. Айнан шу рисолат билан Аллоҳ бизни юборди. Агар, Исломни қабул қилсангизлар, ерларингизни ўзингизга ташлаб қайтиб кетамиз. Бордию, кимдир бундан бош тортса, у ҳолда биз Аллоҳнинг ваъдаси бажирилмагунча сизларга қарши уришамиз**». Шунда Рустум сўради: «**Аллоҳнинг ваъдаси нимадан иборат**»? Унга Рабиъ жавоб берди: «**Ўлганлар учун жаннат, тириклар учун ғалаба!**»

Демак, бу ишда мусулмон учун мағлубиятнинг ўзи йўқ. Сахобалар жиҳоднинг ҳақиқатини шундай тушунишган. Дарҳақиқат, Рабиъ ибн Амрнинг бу эътиқоди ҳужум жиҳодига нисбатан билдирилган эди. Энди агар жиҳод, мудофаа ҳукмida турган бўлсачи? Яъни кофирлар Ислом ерларини босиб олган бўлсачи? Маълумки, у ҳолда ҳеч ким, ҳеч кимдан сўрамайди ҳам, ҳеч ким билан музокара ҳам олиб бормайди. Мусулмонларнинг имондан кейинги ягона мақсади ва амали бостириб кирган душманни даф қилишдан иборат бўлади. Дарҳақиқат, ҳужум жиҳодининг асосий мақсади тавҳид даъватини одамларга етказишидир. Агар, улар қабул қилишса яхши, у ҳолда уларнинг моли ҳам, жони ҳам, ери ҳам, ҳурмати ҳам омонлиқда. Қилич эса, фақат улар бош тортсагина ишлатилади. Мудофаа жиҳодининг асл мақсади эса одамларда бор бўлган тавҳидни ҳимоя қилишлиkdir. Бунда кофирлар Ислом ерини босиб олган бўлади. Ҳеч кимга сир эмаски, бундай душман қўлидаги қурол билан, бизнинг еримизга Исломни қабул қилгани келгани йўқ, албатта. Ёки мусулмон халқларига ҳадиялар улашиш учун ҳам келгани йўқ. Уларнинг мақсади битта, у ҳам

Жиҳоднинг ўзгармас қонун-қоидалари

бўлса мусулмонларнинг дини, жони, моли, ҳурмати ва ақлини завол қилишиликдир. Аллоҳга қасамки, қачон кофиirlар Ислом ерини босиб олишса, мана шу бешта неъмат бир вақтнинг ўзида жуда катта хавф остида қолади. Мана шундай вазият юзага келганда мусулмон кишининг ягона вазифаси нимадан иборат бўлиши керак?

Шубҳасиз, қурол билан, ҳа фақат қурол билан душманга қарши чиқишидир. Бундан кўра ўзга вазифа йўқ. Ҳозирда мужоҳидларнинг кофир босинчиларга қарши қўллаётган амалиётларини танқид қиласиган кишилар кўпайиб кетган. Улар мужоҳидларни раҳмсизлик ва қаттиққўлликда айблаб: **«Нима учун уларга бундай ёмон муюмала қиласизлар, бунинг ўрнига уларни яхшилик билан Исломга чақириш керак эмасми?»**, деётганларини эшитамиз. Бу эса қўпчилик мусулмонларнинг эътиқоди нотўғри эканлигига далолат қиласи. Негаки умматга асрлар давомида жиҳод ибодати бегона бўлиб келди, натижада барча инсонлар орасида умум тушунчага эга бўлган элементар нарса йўқолиб кетди. Бу элементар нарса ўзи нима? Бу шундай фитрий ҳақиқатки, ҳар бир инсон, ёки гурӯҳ, ё давлат ташқаридан қурол билан кириб келган душманга қурол билан жавоб беришилик кераклигини билишилик ҳақиқатидир. Мана неча асрлар давомида кофиirlар Ислом ва мусулмонларга қарши жам бўлиб кураш олиб боришаётди. Балки, бу ҳам кимлар учундир ноаниқ нарсадир? Яна шуни яхши билишимиз керакки, одамларни Исломга даъват қилишиликдан кўра, Ислом ери ва тавҳидни, мусулмоннинг нафси-ю, унинг моли ва ҳурматини ҳимоя қилиш Аллоҳ учун авлодир. Бу ҳам ўзгармас бир қоида. Яъни, ноаниқ нарса билан аниқ нарса йўққа чиқарилмайди. Шунинг учун ҳам бостириб кирган душман энг қаттиқ қаршилик ва қаттиққўлликни ўзида ҳис қилиши лозимдир. Бу каби муюмлани Аллоҳ таъоло Ўз пайғамбарига буюрди: **Эй Пайғамбар, кофир ва муноғиқларга қарши курашинг ва уларга қаттиққўл бўлинг! Уларнинг жойлари жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибат бу!** Тавба-73.

Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ айтганидек: **«Қўлда турган нақд мол-дунёни ҳимоя қилишилик, келадиган фойдани ҳимоя қилишдан кўра авлороқ саналади»**. Демак, қўлимизда турган нақд нарса –бу тавҳид ва Исломдир. Шунинг учун, муқаддас нарсаларни ҳимоя қилишилик, у нарсага бошқаларни чақиришиликдан кўра муҳимроқ. Биз кофиirlарни уларнинг ерларида Исломга чақирамиз, бизнинг ерларимизни босиб олган кунларида эмас. Бу кунларда эса босинчиларнинг фақат қонини тўкамиз, худди улар бизнинг қонимизни тўкаётганидек. Аллоҳ таъоло айтади: **...Барча мушрикларга улар сизларга қарши жанг қилгани каби сизлар ҳам барчангиз уларга қарши жанг қилингиз! Ва билингизки, Аллоҳ тақвадорлар билан биргадир.** Тавба-36.

Аллоҳга имон келтирган ҳар бир мусулмон, жиҳоднинг ҳар қандай ер, вақт ёки замондан катъий назар қиёматга қадар давом этишига имон келтириши ва уни амалга татбиқ этиши вожибdir. Бу ерда яна бир нарсани эслатиб ўтамиз.

Жиҳод ер юзининг барча қисмида вожиб дегани, бу мусулмон кишининг эртаю-кеч қон тўкиш талабида юриши дегани эмас. Ёки мусулмон киши, ер юзини уруш ва вайронагарчилликка айлантириши керак дегани ҳам эмас. Балки, мусулмон кишининг аниқ билиши керак бўлган нарса шуки, жиҳоднинг қандайдир маълум ер ёки замон ва

маконга боғланиб қолмаганидир. Яъни, ер юзининг қайси бир нуқтасида бўлмасин, жиҳод қилишнинг шарт-шароитлари юзага келса, ана шу ерда жиҳод қилишилик шу заҳотиёқ вожиб амалга айланади. Биз бу дарсизизда мусулмон ака-сингилларимизга, жиҳод ҳукмининг айнан шу нуқтасига эътибор қаратмоқчимиз. Чунки, Аллоҳнинг душманлари шариат либоси ва ниқоби остида Ислом миллатини жиҳоддан тўсиб, уларни кофирлар қўлига қул қилиб беришни истайдилар. Юқорида зикр қилганимиздек жиҳодни қоим қиладиган ўз қонун-қоидалар бўлиб, айнан шулар жиҳодни бошқариб туради. Аллоҳ йўлидаги жиҳодни лозим қиладиган шартлар икки хил бўлиши мумкин, ё шаръий ёки стратегик. Бу шартларни билишилик мусулмон учун зарур, шунда у жиҳодни қандайдир маълум бир макон-ерга боғлаб қўймайди. Мисол тариқасида ҳозирги яхудийлар ва улар босиб олган ер ҳақида гаплашсак. Мана бир неча 10 йиллар бўляпти, яхудлар мусулмонлар учун муқаддас ер саналган Қуддусни, ва унинг атрофини босиб олишиб, унга Исройл деб ном ҳам беришди. Бунга жавобан мусулмонларнинг аксарияти нима дейишяпти? Уларнинг таъкидига кўра яхудийларга қарши жиҳод олиб боришилик фақат Исройлда амалга оширилиши керак экан. Шубҳасиз, бу ботил ақида ҳисобланиб, ҳеч қандай шариъй ҳукмга асосланмаган. Маълумки, шариат ҳукмiga асосан, қандайдир гуруҳ ёки қавм мусулмонлар билан ҳарб, яъни уруш манзилатида бўлса, демак, уларга қарши уруш вожиб бўлади. Бу ҳарб аҳлига қарши уруш эса, улар ернинг қайси нуқтасида бўлмасин давом этаверади. Пайғамбар алайҳиссалом Маккани қанчалар яхши кўрсинлар, уни ташлаб Мадинага ҳижрат қилиб кетдилар. Ҳижрат қила туриб Макка томон қараб шундай дедилар: **«Сен Аллоҳ учун энг маҳбуб шаҳарсан ва мен учун энг маҳбубсан. Агар мушриклар ҳайдаб чиқармагандা, мен сени тарқ қилмаган бўлар эдим».** Мадинага келгач, у ердан туриб маккалик ва бошқа кофирларга қарши уруш олиб бордилар. Ҳолбуки, Макка Аллоҳ муқаддас қилган ер эди ва Исломнинг ашаддий душманлари ҳам айнан Маккада яшар эди. Аммо, пайғамбар алайҳиссалом, Аллоҳ йўлидаги жиҳодни алоҳида хос бир ерга боғлаб қўймадилар. Демак, қандайдир ер-макон Исломни ўзига боғлаб, мослаштириб олмайди, балки Ислом ўзига мос келадиган ер ёки маконни боғлаб олади. Бу пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Исломни ёйишда тутган йўллари бўлди. Шунингдек, ҳозирда кўпчилик мусулмонларнинг фикрига кўра: **«Модомики биз Ғарб мамлакатларида истиқомат қиласи эканмиз, демак биз Исломни уларга мослаб олишимиз керак».** Бошқача қилиб айтганда **«ғарбча Ислом»** қилиб олишимиз керак, деган гапларининг гувоҳи бўляпмиз. Шубҳасиз –бу уларнинг навбатдаги ботил ақидаларидан ўзга нарса эмас. Дарҳақиқат, қайси бир мусулмон яшаб турган ерида, унинг Исломни кимнингдир қонуни ёки маданиятига мослашига тўғри келиб қолса, демак бундай мусулмонга Исломнинг ҳимояси учун бу куфрға қарши кураш олиб бориши вожиб бўлади. Борди-ю бунга қодир бўлмаса, у ҳолда ўша турган ерини тарқ қилиб ҳижрат қилиши вожибdir. Бу ишда Пайғамбар алайҳиссалом бизга намунадир. У зот ўzlари энг яхши кўрган шаҳарни ташлаб кетдилар. Нима учун? Чунки, мушриклар у кишига тавҳидни, яъни соғ ақидага амал қилишга, ҳамда уни ўзгаларга ёйишга йўл бермадилар. Макка мушриклари, худди ҳозирги мушрикларга ўхшаб Исломни чегаралаб қўйиши. Яъни мусулмонлар ҳам мушрикларнинг динига имон келтиришлари талаб қилинди. Аниқки, Пайғамбар алайҳиссалом бунга рози бўлмадилар, натижада ҳижрат қилинди. Мана ҳозирда ҳам мушриклар

Жиҳоднинг ўзгармас қонун-қоидалари

мусулмонлардаги энг асосий нарса ақидани кишанлаб қўйишган. Қолган ибодатлар ҳам худди шундай кофирлар назоратида. Мусулмонлар шу аҳволда яшаб келмоқдалар. Ислом – бу Аллоҳнинг дини, шундай экан ҳеч ким уни ўзининг раъй-хоҳиши ёки бошқанинг нафсиға мослаб беришига ҳаққи йўқ. Исломга бир бутун таслим бўлинади, унга тўлалигича амал қилинади, ҳамда худди шундай бир бутунлигича халқларга етказилади. Пайғамбар алайҳиссалом Аллоҳдан келган бу рисолатни халқларга етказишида ўзларига ансорлар қидирдилар. Баъзилар: «**ёрдам берамиз, лекин шартимиз шуки сиздан кейин ҳамма бошқарув бизга ўтади**», деса, бошқалар эса ўзгача шартларни қўйиши, аммо пайғамбар алайҳиссалом ҳеч қайсисига рози бўлмадилар. Охири Мадина аҳли ёнига келдилар, улар ҳам бу динга ёрдам беришга рози бўлгандан сўнг, сўрадилар: «**Эй росулуллоҳ, агар биз сизга ҳар тарафлама ёрдам берсак, бунинг эвазига бизга нима бўлади**». Пайғамбар алайҳиссалом: «**Жаннат!**» деб айтдилар. У киши бир сўз билан кифояландилар, яъни ҳеч кимга бирор бир дунё матосини ваъда қилмадилар. Ансорлар эса «**бу яхши савдо экан**», деб берган ваъдаларининг устидан чиқдилар. Кўриб турганимиздек Пайғамбар алайҳиссалом Исломни Аллоҳ қандай нозил қилган бўлса, шундайлигича қабул қиласидиган ва уни шу асл ҳолича тарқатадиган одамларни ва улар яшайдиган ерни қидирдилар. Демак, Ислом бир бутунлигича, унга фидой бўлган кишилар билан зоҳир бўлади. Ҳозирда ғарб ва бошқа мамлакатларда истиқомат қилувчи мусулмонлар учун алоҳида фикҳнинг усули тузиб берилмоқда. Яъни мусулмонларга кофирлар рози бўладиган шариат қилиб берилмоқда. Ақиданинг асоси саналмиш тавҳид илми ва жиҳод уларнинг фиқҳидан жой олмаган. Чунки бу илм мусулмонларни олийликка бошлайди. Кофирларга эса ҳар нарсага мойил итоаткор мусулмонлар керак. Муаллиф сўзида давом этиб шундай дейди. Пайғамбар алайҳиссаломдан кейин саҳобалар Исломни бутун дунёга ёйдилар. Макка ва Мадина уларга қанчалик суюкли бўлишига қарамай, дунё бўйлаб Аллоҳ йўлидаги жиҳодга чиқиб кетдилар. Имом Молик ўзининг «Муватто» номли тўпламида хабар беради: «**Абу Дардо ўзининг дўсти Салмон Форсийга мактуб йўллаб шундай деди: «Мен сени муқаддас ерга келишингни сўрар эдим».** Шунда Салмон Форсий унга жавоб йўллади: «**Ҳеч кимни муқаддас ер олий қилмайди, балки кишининг амали уни олий қиласиди**».

Бундан ҳам маълум бўладики, саҳобалар жиҳод қилиш учун муқаддас саналган Макка, Мадина, ёки Мақдисни хослаб олишмади. Балки, ернинг қайси бурчагида бўлмасин жиҳоднинг шарт шароити туғилган экан, шу ерга жиҳодни қоим қилиши. Агар, мусулмонлар жиҳод учун маълум бир ерни хослаб, жиҳодни фақат шу ерга боғлаб олсалар, натижада бу иш жиҳоднинг тўхтаб қолишига олиб келади. Бугунда ҳам мусулмонлар ўз олдилариға фақат Мақдисни озод қилишиликни ягона мақсад қилиб олсалар, бу ҳам жиҳоднинг тўхтаб қолишига олиб келади. Бордию Мақдис яхудлар қўлидан озод қилинган тақдирда ҳам шундай бўлиши турган гап, чунки мусулмонлар бир овоздан: «**Энди бизда яхудларга нисбатан душманлик йўқ**», деб эълон қиласидилар. Агар Мақдис озод қилинмаса, у ҳолда мусулмонлар ноумид бўлиб: «**Ҳа, биз бу ишни уddyлай олмаймиз. Исо алайҳиссаломни кутишдан ўзга чора йўқ**», деган хато эътиқодда коладилар. Бу ҳам ўз-ўзидан жиҳоднинг тўхтаб қолишига катта сабабдир. Муаллиф бундай эътиқод ботил эканлигининг яна бир тарафига ишора қиласиди. Яъни, яхудларга нисбатан бўлган ҳозирги бу муомала фақат ер учун бўлаётгани яққол кўриниб турибди. Бошқача қилиб айтганда ҳозирда

Исройлда яхудларга қарши олиб борилаётган уруш, ёки мусулмонларнинг яхудларга қарши душманлигининг асосий тушунчаси, уларнинг фақат ер, яъни Мақдисни босиб олганлиги учун бўлиб қоляпти. Маълумки, яхудлар ва улардан бошқа кофирларга қарши олиб бориладиган урушнинг асоси бошқа нарса, яъни дин бўлиши керак. Агар мусулмонлар бу ҳақиқатни тушуниб етишса, шундагина яхудларга қарши қилинадиган муомалани фақатгина Мақдисга боғлаб қўймаган бўлар эдилар. Саҳих суннат шуки, мусулмонлар Мақдисни яхудлар қўлидан озод қилган тақдирларида ҳам, бутун дунё бўйлаб яхудларни таъқиб остига олишлари зарур, токи ерда фитна қолмай, дин фақат Аллоҳга қаратилмагунича. Бу пайғамбар алайҳиссалом ва у зотдан кейин саҳобалар тутган йўл. Шунингдек, муаллиф яна такрор айтади. Жиҳодни маълум бир ерга хослаб, уни шунга боғлаб қўйишлик, жиҳоднинг тўхтаб қолишига олиб келади.

Бу эса жиҳоднинг учинчи ўзгармас қонун-қоидалари туркумига киради.

وَصَلَى اللَّهُ عَلَى مُحَمَّدِ النَّبِيِّ الْأَمِيِّ، وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ وَسَلَّمَ.

وَآخِرُ دُعْوَانَا أَنَّ الْحَمْدَ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

Жиҳоднинг ўзгармас қонун-қоидалари

بسم الله الرحمن الرحيم

إِنَّ الْحَمْدَ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ وَنُسْتَغْفِرُهُ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّ أَنفُسِنَا، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا، مِنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضْلُّ لَهُ، وَمِنْ يُضْلِلُ فَلَا هَادِي لَهُ.

وَأَشْهُدُ أَنَّ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، وَأَشْهُدُ أَنَّ مُحَمَّداً عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ، صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ، وَسَلَّمَ تَسْلِيْمًا كَثِيرًاً.

وبعد:

Тўртинчи қоида. Жиҳод алоҳида маълум бир маърака- урушга боғланмайди.

Муаллиф навбатдаги бу дарсда кўпчилик мусулмонларнинг Аллоҳ йўлида қилинадиган жиҳодга нисбатан, улардаги бор бўлган яна бир хато тушунчасига урғу бериб ўтади. Яъни улар жиҳоддаги ғалаба ё мағлубиятни айнан маъраканинг ўзига боғлаб қўйишади. Бошқача қилиб айтганда, агар мужоҳидлар амалга оширган бирор бир маърака-амалиётда ғолиб келишса, демак, улар тўғри йўлда эканлар, шу Аллоҳ йўлида қилинган жиҳод, деб ўйлашади.

Бордию, шунга ўхшаш бошқа бир амалиётда мужоҳидлар мағлубиятга учрасалар, демак бу уруш хато, улар адашган жамоат бўлган экан, яъни бу Аллоҳ йўлидаги жиҳод эмас, деб юришади. Ҳақиқатда, бу нарса бугунги жиҳод ҳақидаги тушунчанинг катта муаммосига айланган. Кишиларнинг кўз олдида жиҳоддаги натижанинг ўзигина гавдаланадиган бўлиб қолди. Мусулмонлар жиҳод қилиш у ёқда турсин, ҳали уни бошламасдан туриб, фақат унинг натижаси ҳақида бош қотирадилар. Яхши натижа уларнинг асосий кўзлаган мақсади бўлиб қолган. Борди-ю уларнинг тузмоқчи бўлган режаларида натижа салбий кўринса, шу заҳоти бу иш хусусида ўйлашни ҳам бас қилишади. Ҳолбуки, ҳар бир ибодатнинг натижаси Аллоҳнинг қўлида бўлган нарса-ку. Наҳот, кишилар ўлчови ва кўзи олдида натижанинг салбий кўриниши, Аллоҳнинг фарзини тарқ қилинишига олиб келса? Бу қандай ақида ўзи? Ҳа, ҳақиқатда бу катта муаммодир.

Қиёмат куни Пайғамбар алайҳиссалом анбиёларни кўрдилар. Баъзи пайғамбарларни ёлғиз кўрдилар, яъни уларга бирор бир киши эргашмаган эди. Албатта, бу ҳолат пайғамбар ўзига келган рисолатни охирига етказмади, ёки уни ноқис қилди, дегани эмас. Фақат натижа одамлар кутганидек бўлмади холос. Чунки, одамларни ҳидоят қилишлик Ёлғиз Аллоҳнинг қўлида бўлган нарса. Ёки пайғамбар алайҳиссалом, амакилари Абу Толибга даъватни яхши етказа олмадиларми? Албатта, ҳеч кимни бундай дейишга ҳаққи йўқ. Негаки, Аллоҳ одамларни ҳидоят қилишликда ўзига ҳеч кимни шерик қилмади, ҳатто у пайғамбар бўлса ҳам.

Ислом тарихида мусулмонларнинг шундай аянчли мағлубиятлари бўлган эдики, улар бу аҳволдан сўнг, энди оёққа тура олмасак керак, деган гумонга боришган эди. Шу мағлубиятларнинг энг мудҳишларидан бири, ҳижратнинг 650 йиллари муғултатарлар ўртасида бўлиб ўтган уруш бўлди. Мусулмонлар ҳатто “Ислом ниҳоясига етди”, деб ўйлашган эди. Татарлар Ироқ ва Шом давлатларини босиб олдилар. Ироқни босиб олишган вақтдан бошлаб 40 кун мобайнида кетма-кет одамларни қатл қилдилар. Аниқроғи 40 кун ичида миллиондан ортиқ мусулмонларни ўлдирдилар, яъни ўрта ҳисобда 1 кунда 25000 кишини қатл қилишди.

Шундан сўнг Шомга юриш қилдилар. Улар бундан олдин эса Хурросон ва Форсни забт қилиб бўлишган эди. Улар қаерга кирсалар албатта ўша ерни босиб олар эдилар. Буни кўрган одамлар шу даражада умидсизликка тушиб қолган эдиларки, эндиликда татарларни мутлақо енгиб бўлмас экан, деган гумонга бориб қолишган эди. Оқибат нима билан тугади? Аллоҳ бу имтиҳон орқали мусулмонлар сафларини тозалади. Шунда мусулмонлар орасида қолган холис кишилар Аллоҳга астойдил дуо қилдилар. Улар қилаётган жиҳодларида Аллоҳга холис бўлдилар, натижада айн-Жолут маъракасида татарлар устидан ҳал қилувчи ғалаба қилишди. Бу кун урушдаги туб ўзгариш эди. Шундан сўнг татарлар ўзларини қайтиб ўнглай олмадилар.

Энди савол қилсак, мусулмонлар ниманинг ҳисобига ғолиб бўлишди? Сон жиҳатиданми, ёки куч ҳисобигами? Йўқ, уларга ғалаба Аллоҳнинг раҳмати ила келди. Раҳматга эса қандай сазовор бўлдилар? Айнан мана шу раҳматга олиб борадиган сабабларни тақдим қилгандари учун сазовор бўлдилар. Сабаблар нималардан иборат эди? Булар эса Аллоҳга бўлган тавҳид, ихлос, тақво, сабр ва комил таваккул эди. Агарда, инсоннинг ақл ўлчови билан қараладиган бўлса, бу ғалаба мусулмонларга уларнинг аввалги ҳолатларида келиши керак эди. Чунки, уларнинг урушга бўлган тайёргарлиги, татар боскинчилари кириб келишларидан олдин анча кучли бўлган. Яъни улар сон жиҳатдан ҳам, куч борасида ҳам бақувват эдилар. Аммо, мусулмонларга нусрат-ғалаба, айни улар заиф бўлган вақтларида келди. Негаки, уларда заифлик билан бир қаторда Аллоҳга бўлган қаттиқ ишонч ва жиҳод ибодатига бўлган ҳақиқий имон ва амал бор эди. Демак, Аллоҳ йўлида олиб бориладиган жиҳоддаги ғалаба ва мағлубият, инсон ақли (мантиқ) доирасидан ташқарида. Бу Аллоҳнинг мўъжизаси саналиб, бу мўъжизанинг ҳақиқатини фақат унга яқийнан ишониб, уни амалда жорий қилган кишиларгина кўра оладилар холос. Аллоҳга қасамки, бу мўъжизани кўришлик Аллоҳ йўлида жиҳод қилган саҳобаларга насиб бўлди, ҳамда бу мўъжизанинг гувоҳи бўлишлик бугунда шу амални қилаётган кишиларгагина насиб бўлади холос.

Муаллиф сўзида давом этади. Биз урушга қўлимиздан келган барча нарсани ҳозирлашимиз, ва шундан сўнг Аллоҳга таваккул этиб, урушга отланишимиз зарур. Агар шундан кейин ҳам бизга мағлубият келса, демак, бу Аллоҳнинг хоҳиши ва ҳикмати. Биз ўзимизга юклатилган вазифани адо этган, яъни Аллоҳ йўлида жиҳод қилган кишилардан бўламиз. Яна шуни таъкидлаб, такрор айтамизки, жиҳодга бўлган тайёргарлик, биз қиласиган ишларнинг ўта муҳими ҳисобланади. Хусусан бугунги қийин кунларда.

Жиҳоднинг ўзгармас қонун-қоидалари

Шубҳасиз, душман биздан техник ва сон жиҳатдан анча кучли. Бунинг устига ҳозирги кунда уруш тактикаси ва методикалари ҳам хилма-хил бўлиб кетган. Мужоҳидлар урушнинг бу илмларидан боҳабар бўлишлари лозим. Аллоҳ йўлига чиқсан ҳар бир мусулмон қўлидан келган тайёргарликни ҳозирлаши зарур. Бордию жиҳоддаги мағлубият мусулмонларнинг етарлича тайёргарлик кўриб қўймаганлари сабабидан бўлса, у ҳолда бу мағлубият учун ҳозирлик кўрмаган ҳар бир мусулмон жавобгар бўлади. Бу дегани, мусулмонлар жиҳодга етарли ҳозирлик кўрмаганлари учун гуноҳкор бўладилар.

